ТИЖОРАТ БАНКЛАРИНИНГ КРЕДИТ ПОРТФЕЛИДАГИ МУАММОЛИ КРЕДИТЛАР

Каршиев Адхам Анварович
Марказий банкнинг Самарқанд вилояти бош бошқармаси
Кредит ташкилотларининг муаммоли активлари билан ишлаш
ва молиявий таҳлил қилиш бўлими бошлиғи
Самарқанд, Ўзбекистон. adkhamkarshiev@yahoo.com
Телефон рақам +998979288767

Аннотация. *Ушбу мақолада Самарқанд вилояти тижорат банкларининг ривожланиш йўналишлари ҳамда муаллифнинг вилоятда тижорат банкларининг муаммоли кредитларини ундириш тизимини ҳар томонлама ривожлантириш учун асосий тамойил ва сектор олдида турган асосий муаммолар ёритилган.*

Калит сўзлар: *муаммоли кредитлар, кредит портфели, улуш.*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил 18 апрелда рўйхатдан ўтказилган “Банклар ва банклар гуруҳларининг таваккалчиликларни бошқариш тизимига доир талаблар тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги Ўзбекистон республикаси марказий банки бошқарувининг 3427-сонли қарорида банкда муаммоли активларни бошқариш жараёни ташкил этилиши лозимлиги ва муаммоли активларни бошқариш жараёнида суддан ташқари ва (ёки) суд орқали қарзни ундириш воситаларидан фойдаланган ҳолда қарз олувчи билан муносабатларни тугатишга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш белгилаб қўйилган.

Аммо, аксарият тижорат банклари томонидан муаммоли кредитларни таъминоти ҳисобидан ундириш жараёнида анчагина муддат талаб этилади. Жумладан,

“E-auksion” электрон савдо платформасида аукционга чиқаришгача ўртача 160 кунгача муддат кетади. Хусусан:

- қарздорга талабнома юбориш: муддат - 15 кун;
- Савдо-саноат палатасига киритиш: муддат - 30 кун;
- суд иш юритувига қабул қилиш: муддат - 20 кун;
- судда ишни кўриш: муддат - 20 кун;
- суд муҳокамаси муддати: муддат - 30 кун;
- Ҳал қилув қарорини кучга кириши: муддати - 30 кун;
- МИБ томонидан қарздорга бериладиган ихтиёрий тўлаш муддати: муддат - 15 кун;

- Аукцион савдосини ўтказиш (агар биринчи савдода сотилса): муддат - 30 кун.

Шу ўринда, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурида 2024 йил 16 декабрда “Маҳаллаларда аҳоли бандлигини таъминлаш ва даромадли қилиш бўйича 2025 йилда амалга ошириладиган ишлар юзасидан ўтказилган йиғилиш”да муаммоли кредит қарздорликларни ундириш бўйича берилган тегишли топшириқларга асосида Самарқанд вилоятида амалий ишлар олиб борилмоқда.

Вилоятдаги тижорат банкларининг муаммоли кредитлари бўйича ундириш ҳолати таҳлилига қарайдиган бўлсак, 2025 йил 1 июнь ҳолатидаги Мажбурий ижро бюроларига **498,2 млрд.сўм**лик ижро ҳужжатлари киритилган бўлиб, жами муаммоли кредитларнинг **54 фоиз**ини ташкил этган.

Кўришимиз мумкинки муаммоли кредитлар бўйича Мажбурий ижро бюролари билан ҳамкорликда ишларни жонлантириш муаммоли кредитлар ҳажмининг ортиб кетмаслиги ва уларни қисқартиришнинг асосий омилларидан бири эканлиги ва ушбу йўналишда қўшимча чора-тадбирларни ишлаб чиқишни талаб этади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 17 январдаги “2025 йилда аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-12-сонли Қарори.

2. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил 18 апрелда рўйхатдан ўтказилган “Банклар ва банклар гуруҳларининг таваккалчиликларни бошқариш тизимига доир талаблар тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги Ўзбекистон республикаси марказий банки бошқарувининг 3427-сонли қарори

3. Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 5 ноябрдаги “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги Қонуни.

4. Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 11 ноябрдаги “Ўзбекистн Республикаси Марказий банки тўғрисида”ги Қонуни.

5. Ниёзов З.Д. ва бошқалар. Банк иши. Ўқув услубий қўлланма. – Т.:“Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти”, 2015.

6. http://cbu.uz сайти.